

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

МАМАТҚУЛОВ ЗУХРИДИН УРМОНОВИЧ

**ТИКАНЛИ ҚОВУЛ (CAPPARIS SPINOSA L.) ЎСИМЛИГИ АСОСИДА
БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

15.00.01 - дори технологияси

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Маматкулов Зухридин Урмонович

Тиканли ковул (*Capparis Spinosa L.*) ўсимлиги асосида биологик фаол кўшимча технологиясини ишлаб чиқиш.....

3

Маматкулов Зухридин Урмонович

Разработка технологии биологически активной добавки на основе каперсов колючих (*Capparis Spinosa L.*).....

21

Mamatkulov Zuhridin Urmonovich

Development the technology of biological activities based on the capers spiny (*Capparis spinosa L.*).....

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

Last of published works.....

42

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

МАМАТҚУЛОВ ЗУХРИДИН УРМОНОВИЧ

**ТИКАНЛИ ҚОВУЛ (CAPPARIS SPINOSA L.) ЎСИМЛИГИ АСОСИДА
БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

15.00.01 - дори технологияси

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.1.PhD/Far28 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Искандарова Шохиста Фехрузовна фармацевтика фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Тўхтаев Ҳаким Раҳманович фармацевтика фанлари доктори, профессор Каримова Севара Аббасовна фармацевтика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc. 27.06.2017 Far. 32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» «_____» соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-ўй. Тел.:(+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: [pharmi.@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz).)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-ўй. Тел.:(99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни таркатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

И.И. Алимджанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ё.С.Кариева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг эътирофига кўра, сўнги йигирма йил ичида жигарнинг турли патологияларига, айниқса сурункали касалликларга чалинганлар сони 2 млрд дан ортган. Жигарни хасталланиши турли омиллар таъсирида юзага келади, жумладан: вирусли, токсик, доривор, дисметаболик ва б. Бундай касалликларни олдини олиш ва даволаш, аҳолини маҳаллий доривор ўсимлик хомашёларидан ишлаб чиқилган юқори самарадорликка эга, хавфсиз, дори препаратлари ва биологик фаол кўшимчалар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда доривор ўсимликлардан экстрактлар олиш технологиясини ишлаб чиқишда турли омиллар таъсирини ўрганиш, улар асосида биологик фаол кўшимчалар яратиш, сифат меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада маҳаллий доривор ўсимликлардан ҳар хил агрегат ҳолатидаги экстрактлар технологиясини ишлаб чиқиш, биологик фаол моддаларни тўлиқ ажралиб чиқиш йўллари излаш, ушбу экстрактлар асосида биологик фаол кўшимчаларни ва дори воситаларни яратиш, уларнинг турғунлигини аниқлашни тақозо этмоқда.

Республикамизда маҳаллий доривор ўсимликлардан куруқ экстрактларни олиш ва улар асосида биологик фаол кўшимчаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ҳолда юқори самарадорликка эга ва иқтисодий жиҳатдан қулай БФҚ лар ассортиментини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва даволаш профилактика муассаларини арзон, самарали ҳамда сифатли, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий фармацевтика корхоналарини иш фаолиятини янада жадаллаштириш, безарар, импорт ўрнини босувчи биологик фаол кўшимчалар таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968 «Ўзбекистон Республикасида халқ табobati соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация изланишларида қўлланилган тиканли қовул ўсимлигини фармакогностик ўрганиш, таркибидаги биологик фаол моддаларни аниқлаш, ўсимликдан мой олишда Х.Х.Холматов, М.Усуббоев, Х.М.Комилов, А.Қ.Саидвалиев, Г.Қ.Рахимоваларнинг илмий ишлари алоҳида ўрин тутмоқда.

Дунё миқёсида тиканли қовул ўсимлиги таркибидаги биологик фаол моддаларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар қуйидаги олимлар томонидан олиб борилган: Tlili N., Ramezani Z., Zhou H.F., Inocencio C., Khaldi A., Keyghobadi H., Aghel N. Lu J., Xin H., Zhuang C.L., Yang F., Zhang L.L., Munné-Bosch S., Патсаев А.К., Дауренбеков К.Н., Кадрушев А.В., Давлатова М.С. ва Кароматов И.Ж.

Мазкур диссертация ишида тиканли қовул ер устки қисмидан қуруқ экстракт олишда омилларни таъсирини ўрганиш, ушбу қуруқ экстракт асосида капсула шаклидаги БФҚ технологиясини ишлаб чиқиш ва сифат меъёрларини аниқлаш, фармакологик хоссалари ва безарарлигини ўрганиш, тиббиёт амалиётида қўллашга тавсия этиш бўйича илмий тадқиқотлар бугунги кунгача олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг “Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш” мавзусидаги илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий тиканли қовул (*Capparis spinosa* L.) ўсимлиги барги ва гулидан қуруқ экстракт олиш ҳамда капсула шаклидаги БФҚ таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тиканли қовул барги ва гулидан қуруқ экстракт таркибига БФМ ларни ажралиб чиқишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш: хомашёнинг майдалик даражаси, экстрагент тури ва концентрацияси, экстракт олиш усули, хомашё ва экстрагент нисбати. Олинган натижалар асосида қуруқ экстракт технологиясини ишлаб чиқиш;

тиканли қовул ўсимлигидан олинган қуруқ экстракт таркибидаги аминокислотлар ҳамда элемент таркибини ўрганиш;

олинган қуруқ экстрактнинг сифат кўрсаткичлари ҳамда полифенол бирикмалар ва аскорбин кислота миқдорини аниқлаш;

олинган куруқ экстрактнинг технологик хоссаларини ўрганиш натижасида капсула шаклидаги БФҚ таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш;

тиканли қовул ўсимлигидан олинган куруқ экстрактни сақлаган БФҚ нинг сифат меъёрларини белгилаш;

тиканли қовул куруқ экстракти ҳамда унинг асосида олинган БФҚ нинг яроқлилик муддатини турли қадоқлов материалларда ўрганиш;

тиканли қовул куруқ экстрактини сақлаган капсулалар шаклидаги БФҚ маҳаллий фармацевтик корхонада ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тиканли қовул ўсимлигининг ер устки қисми ҳамда таркибидаги биологик фаол моддалар қўлланилган.

Тадқиқотнинг предмети тиканли қовул ўсимлигининг барги ва гулидан куруқ экстракт олиш ва капсула шаклидаги БФҚ ишлаб чиқиш, уларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларни аниқлаш, яроқлилик муддатини белгилаш ҳамда тегишли меъёрий хужжатларни тайёрлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини бажаришда замонавий технологик, физикавий (гравиметрик), физик-кимёвий (ЮССХ-МС), усуллардан ва замонавий компьютер дастурлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий доривор ўсимлик – тиканли қовул баргидан биологик фаол моддалар мажмуасини сақловчи гепатопротектор таъсирга эга куруқ экстракт технологияси ишлаб чиқилган;

куруқ экстрактнинг аминокислота ва элемент таркиби аниқланган;

илк бор тиканли қовул ўсимлиги куруқ экстракти асосида капсула шаклидаги БФҚ нинг илмий асосланган таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган;

тиканли қовул ўсимлиги куруқ экстракти, ундан олинган БФҚ нинг сифат меъёрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тиканли қовул ўсимлиги куруқ экстракти, ундан олинган капсула шаклидаги БФҚ нинг сақланиш шароити ва яроқлилик муддатлари белгиланган;

тиканли қовул куруқ экстрактини сақлаган капсулаларга тажриба-саноат регламентлари ва тегишли меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилилик даражаси замонавий технологик, физик-кимёвий ва статистик усулларида фойдаланилганлиги, шунингдек, уларни саноат шароитида синовдан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий доривор ўсимлик хомашёси тиканли қовул ер устки қисмидан гепатопротектор таъсирга эга куруқ экстракт олишнинг мўътадил усулини ишлаб чиқиш ва у асосда БФҚ таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиканли қовул қуруқ экстрактини сақловчи капсула шаклдаги биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш технологияси бўйича “MARJON GLOBAL” МЧЖ билан ҳамкорликда меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиб, импорт ўрнини босувчи БФҚлар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиканли қовул (*Sarrasis spinosa* L.) қуруқ экстракти ва капсула шаклидаги БФҚ технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олинган қуруқ экстрактга Техник шартлар «Узстандарт» агентлиги томонидан (Ts 25404342-008:2019) ва Технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган (ТИ 25404342-008:2019). Натижада гепатопротектор хусусиятига эга биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имконини берган;

тиканли қовул ўсимлиги қуруқ экстрактига ишлаб чиқариш технологияси бўйича тажриба-саноат регламенти (ОПР – 04156-224538-2019) «MARJON GLOBAL» МЧЖ маҳаллий фармацевтик корхонаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Мазкур ҳужжатнинг тасдиқланиши натижасида гепатопротектор хусусиятга эга биологик фаол қўшимча учун меъёрий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилиши ва рўйхатга олиниши таъминланган;

тиканли қовул қуруқ экстракти учун специфик фармакологик фаоллиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада гепатопротектор хусусиятли ишончли фаолликга эга ва безарар воситани ишлаб чиқариш имконини берган.

Тақиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 10 илмий иш чоп этилган, шулардан Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси республикада ва 1 та хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Доривор ўсимликлар биологик фаол қўшимча манбаси сифатида”** деб номланган биринчи бобида доривор ўсимликларни ҳалқ табобатида ва илмий тиббиётда ишлатилиши, улардан олинган препаратларнинг синтетик воситаларга нисбатан афзаллиги, биологик фаол қўшимчалар тушунчаси, уларнинг тарихи ва бугунги кундаги ҳолати, инсон саломатлигини сақлашда ва тиклашда аҳамияти кўрсатилган. Шу билан бирга капсулаларнинг дори шакли сифатида афзалликлари, замонавий фармацевтика саноатида тутган ўрни, бугунги кунда капсула шаклида ишлаб чиқарилаётган дори препаратлари бўйича олиб борилаётган изланишлар бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотларда қўлланилган ўсимлик хомашёси ва ёрдамчи моддалар”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар учун танланган хомашё, унинг кимёвий таркиби, тиббиётда қўлланилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Ушбу хомашёдан қуруқ экстракт ва капсула шаклини ишлаб чиқишда қўлланилган ёрдамчи моддалар тавсифи, физик-кимёвий кўрсаткичлари баён қилинган.

Диссертациянинг **“Тиканли қовул ўсимлигидан қуруқ экстракт олиш бўйича тадқиқотлар”** деб номланган учинчи бобида объект сифатида танлаб олинган тиканли қовул барги ва гулидан турли омилларни таъсирини ўрганган ҳолда қуруқ экстракт олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва унинг сифатини баҳолашга бағишланган.


Қуруқ экстракт олиш учун тиканли қовул барги ва гули 5-6 мм оралиғида майдаланилди. Этил спирти 40, 60 ва 70% ли қилиб суюлтирилди. Суяқ экстракт перколяция усулида олинди, экстрагент буғлатилди ва экстракт 5% намлик қолгунга қадар қуруттилди. Ҳосил бўлган қуруқ экстракт унуми аниқланди.

Олинган натижалар 1-расмда келтирилган. Натижаларга асосан кейинги изланишларда 70% этил спиртидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топдик.


Изланишларнинг кейинги босқичида яна бир омил – хомашёни майдалиқ даражаси кўриб чиқилди. Бунинг учун тиканли қовул ўсимлигининг барги ва гулининг хомашёси қуйидаги ўлчамларда майдаланди: 2-3 мм, 5-6 мм, 7-8 мм. Экстракт олишда перколяция усулидан ва 70% этил спирти қўлланилди. Олинган натижалар 2-расмда келтирилган.

Ушбу диаграммадан кўриниш мумкинки, хомашёнинг оптимал майдалиқ даражаси 2-3 мм, яъни айнан шу майдалиқдаги хомашёдан олинган қуруқ экстракт унуми максимал бўлди.

Яна бир аниқланган омил – бу экстрактни олиш усули. Бунда перколяция ва реперколяция усуллари қўлланилди. Перколяция ва реперколяция усуллари қўлланилганда қуруқ экстракт унуми аниқланди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.



1-расм. Турли концентрацияли этил спиртидан фойдаланилганда қуруқ экстрактнинг унуми



2-расм. Қуруқ экстракт олишда маҳсулотнинг майдалик даражасини унинг унумига таъсири

1-жадвал


Тиканли қовул хомашёсидан перколяция ва реперколяция усули билан олинган қуруқ экстрактларнинг унуми

№	Экстракт олиш усули	Қуруқ экстракт унуми
1	Перколяция усули	26,2
2	Реперколяция усули	26,6

Олинган натижаларга асосан иккала усулдан фойдаланилганда қуруқ экстракт унуми деярли фарқ қилмади (26,2% ва 26,6%). Шу сабабли вақтни тежаш мақсадида кейинги изланишларни перколяция усулида олиб бориш тавсия қилинди.

Ўсимлик хомашёларидан биологик фаол моддаларни ажралиб чиқишига таъсир кўрсатувчи яна бир омил – хомашё ва экстрагент нисбати. Ушбу нисбатни танлаб олиш учун майдалиги 2-3 мм бўлган тиканли қовул хомашёси ва 70% этил спиртидан 1:5, 1:10, 1:20 ва 1:30 қуруқ экстракт олинди. Натижалар 3-расмда келтирилган, уларга асосан хомашё ва экстрагент нисбатини 1:10 га тенг олишга қарор қилинди.

Тажириба йўли билан хомашёнинг майдалик даражаси 2-3 мм ни ташкил қилиши аниқланди. Экстрагент сифатида 70% ли этил спирти танланиб, хомашё ва экстрагентнинг бир-бирига энг мўътадил нисбати 1:10 деб белгиланди. Тадқиқотлар давомида тиканли қовул ўсимлиги барги ва гулидан қуруқ экстрактлар олиш учун оптимал усул – перколяция усули танланди.



Расм 3. Тиканли қовул хомашёси ва экстрагент нисбатини қуруқ экстракт унумига таъсири

Кейинги изланишларда қуруқ экстрактлар таркибидаги макро – ва микроэлементларни аниқлаш тажрибалари навбати билан ISP “Agilent Technologies” (АҚШ, Series Sr № 7500) масс-спектрометрида олиб борилди.

Тиканли қовул ўсимлигининг барги ва гулидан олинган қуруқ экстрактларда 61 хил элементлар борлиги аниқланди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки экстрактлар таркибида К, Mg, Cu, В, Fe, Са, Na, Zn, P каби биометалларнинг миқдори етарли даражада юқори бўлиши, унинг шифобахшлик хусусиятини ошириб, организмдаги биокимёвий жараёнларни яхшилайди.

Келтирилган натижаларга асосан тиканли қовул баргидан олинган қуруқ экстракт гулидан олинган қуруқ экстрактга нисбатан элементларга анча бойлиги кузатилди. Шу сабабли кейинги изланишлар учун ушбу ўсимликнинг баргидан олинган қуруқ экстракт мақсадга мувофиқ деб топилди.

Тадқиқотларнинг навбатдаги босқичида тиканли қовулнинг қуритилган барглари ва қуруқ экстрактининг аминокислотали таркибини қиёсий таҳлили ўтказилди.

Тиканли қовулнинг қурутилган баргларини сувли экстракти оқсил ва пептидларни чўкма ҳолига тушириш мақсадида центрифугирланди. Бунинг учун 1 мл синов намунасига 1 мл (аниқ ҳажм) 20% триклоацетик кислота (ТСАА) қўшилди. 10 дақиқадан сўнг, чўкма 15 дақиқа давомида 8000 айланма/соат тезликда центрифуга ёрдамида ажратилди. 0,1 мл дан юқори чўкма ажратилиб, музлатиб қуритилди.

Қуритилган баргларнинг ва тиканли қовулдан олинган қуруқ экстрактининг аминокислоталар таркибини ўрганиш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, аниқланган намуналарда аминокислоталар таркиби 20 тадан иборат бўлиб, улардан еттитаси юлдузча билан белгиланган бўлиб, улар алмашмайдиган. Аниқланган аминокислоталар орасида миқдорий жиҳатдан глицин (4,32 мг/г; 7,82 мг/г), аспарагин (4,38 мг/г; 7,68 мг/г), глутамин (3,68 мг/г; 3,05 мг/г), аланин


(1.28 мг/г; 2,05 мг/г) устунлик қилади. Шунингдек, таъкидлаш керакки, ушбу намуналар муҳим аминокислоталар сони бўйича мақбул мувозанатли таркибга эга.

2-жадвал

Тиканли қовул баргининг ва баргидан олинган қуруқ экстрактивнинг аминокислотали таркиби

Аминокислоталар номи	Концентрацияси, мг/гр		Аминокислоталар номи	Концентрацияси, мг/гр	
	Барг	Қуруқ экстракт		Барг	Қуруқ экстракт
Аспарагин кислотаси	0,822302	1,049256	Пролин	0,978775	1,953208
Глутамин кислотаси	0,362044	1,524088	Тирозин	3,941037	0,980029
Серин	0,5659	1,443295	Валин*	0,942299	0,708026
Глицин	4,321006	7,820435	Метионин*	0,31428	0,648869
Аспарагин	4,387893	7,681038	Изолейцин*	1,001089	1,900718
Глутамин	2,691501	3,05225	Лейцин *	0,966507	1,636364
Цистеин	0,546603	3,684834	Гистидин	0,398674	0,933712
Треонин*	0,39731	0,612697	Триптофан	0,285485	0,69684
Аргинин	0,090416	0,149133	Фенилаланин*	0,21998	0,46115
Аланин	1,288959	2,052061	Лизин*	0,112054	0,396664
Жами:	Барг бўйича - 24,63411			Экстракт бўйича – 39,38467	

Аниқланган моддалар орасида моноаминомонокарбоксиллик кислоталар диаминодикарбоксил ва гетероциклик кислоталарга нисбатан устунлик қилди (4-расм).



4-расм. Тиканли қовул барги ва уни қуруқ экстрактивнинг аминокислоталар таркиби хроматограммаси

Ўрганилган қуруқ барглarning намуналари, шунингдек, тиканли қовул барглarning қуруқ экстракти 7 та алмашмайдиган ва 13 та алмашадиган аминокислоталардан иборат. Шунингдек, таъкидлаш керакки, иккала намунада ҳам

муҳим аминокислоталар таркиби жиҳатидан мақбул мувозанатли таркиб мавжуд, аммо уларнинг миқдорий таркиби жиҳатидан қуруқ экстракти кўпроқ тўйинган. Миқдор жиҳатдан тиканли қовулнинг қуритилган баргларида аминокислотали таркиби қуруқ экстракт олдида камроқ миқдорда бўлди.

Ушбу қуруқ экстракт XI ДФ талабларига биноан қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланди: ташқи кўриниши, чинлиги, намлик миқдори, оғир металллар, микробиологик тозаллиги, биологик фаол моддалар миқдори.

Миқдорий таҳлил полифеноллар йиғиндиси ҳамда аскорбин кислота бўйича олиб борилди. Бунда фенол компонентлар ЮССХ-МС усулида, аскорбин кислота - титрлаш усулида аниқланди. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Тиканли қовул ўсимлиги баргидан олинган қуруқ экстрактнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш натижалари

Аниқланган кўрсаткичлар	МҲ бўйича меъёри	Олинган натижалар	Аниқлаш усуллари
Ташқи кўриниши	ўзига хос хидли, нордонроқ ўзига хос таъмили гигроскопик жигарранг яшил кукун	мос	Органолептик
Чинлиги: 1. Полифенол бирикмалар 2. Аскорбин кислотаси	1. 0,1 г қуруқ экстракт 25 мл ли ўлчов колбага солинади. 10 мл тозаланган сув қўшилади, аралаштирилади. Ва тозаланган сув билан белгисигача етказилиб, филтр қоғоз орқали филтрланади (ГОСТ (120226-76). 2 мл филтратга 5% темир (III) хлориднинг спиртли эритмасидан 5-6 томчи қўшилади; эритма яшил рангга бўялиши лозим. 2. Қуруқ экстрактдан 0,1 г тортиб олинади ва 25 мл ли ўлчов колбасига солинади, устига 10 мл 40% спирт қўшилади, аралаштирилади ва белгисигача етказилади. Ушбу эритманинг 5 мл га 0,015% натрий 2,6-дихлорфенолиндофенолят қўшилганда унинг ранги йўқолиши керак.	Қониқарли	Полифенол бирикмалари ва аскорбин кислотасига сифат реакциялар
Намлиги,%	5% дан ошмаслиги керак	4,93	XI ДФ 2-нашр 160 б.
Оғир металллар,%	0,01% дан ошмаслиги керак	0,01%дан кам	XI ДФ 2-нашр 165 б.
Микробиологик тозаллиги	1 г қуруқ экстрактда аэроб бактерияларнинг умумий миқдори 10^4 , замбуруғларнинг умумий миқдори 10^5 , Escherichia coli 10^2 кўп бўлмаслиги лозим.	МҲ талабларига жавоб беради	XI ДФ 2-нашр ва 2-сонли ўзгариш, 4А категория
Полифенол бирикмалар миқдори, %	12% дан кам бўлмаслиги керак	16,42%	ЮССХ-МС усули
Аскорбин кислотаси миқдори, %	0,3% дан кам бўлмаслиги керак	0,398%	Титриметрия усули

Натижаларга асосан тиканли қовул баргидан олинган қуруқ экстракт стандартланган кўрсаткичлари бўйича талаб даражасида эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг “**Тиканли қовул экстракти асосида капсула шаклидаги биологик фаол қўшимча технологиясини яратиш**” деб номланган тўртинчи бобида тиканли қовул баргидан олинган қуруқ экстрактнинг технологик хоссаларини ўрганиш, капсула таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу капсулаларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини аниқлаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Қуруқ экстрактнинг технологик кўрсаткичлари сифатида фракцион таркиб, сочилма зичлик, сочилувчанлик, табиий оғиш бурчаги, зичланиш коэффициенти, прессланувчанлик ва қолдиқ намлик аниқланди. Ҳар бир кўрсаткич 3 мартаба аниқланди ва олинган натижаларнинг ўртачаси 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Тиканли қовул баргидан олинган қуруқ экстрактнинг технологик хоссаларини аниқлаш натижалари

Ўрганилган кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Олинган натижалар
Социлувчанлик	10^{-3} кг/с	1,37±0,14
Социлувчан зичлик	кг/м ³	467,1±22,7
Табиий оғиш бурчаги	градус	60±5
Зичланиш коэффициенти		1,33±0,09
Прессланувчанлик	Н	55±6
Қолдиқ намлик	%	4,93 ±0,06

Олиб борилган изланишлар натижасида тиканли қовул баргидан олинган қуруқ экстракт салбий технологик хоссаларга эга эканлиги аниқланди ва ушбу субстанциядан қаттиқ дори турини яратиш учун унга ёрдамчи моддалар қўшиш кераклиги исботланди.

Капсула шаклини яратишда асосий таъсир этувчи модда сифатида тиканли қовул баргидан олинган қуруқ экстрактнинг терапевтик дозаси фармакологлар тавсиясига биноан 400 мг деб белгиланди. Капсула шаклини яратиш учун ёрдамчи моддалардан фойдаланиб, нам дондорлаш усулида масса тайёрлаш белгиланди. Тўлдирувчи модда сифатида микрокристаллик целлюлоза, лактоза, картошка крахмали, кальций карбонат ишлатилди. Боғловчи моддалар сифатида эса – турли концентрацияли этил спирти ва крахмал клейстери ҳамда тозаланган сувдан фойдаланилди. Ушбу ёрдамчи моддалардан фойдаланиб 10 дан ортиқ таркиблар тайёрланди ва улардан ижобий кўрсаткичларга эга бўлган 6 та таркиб 5-жадвалда келтирилди.

Қўйилган мақсадга эришиш учун ушбу аралашмалардан гранулалар тайёрланди ва уларнинг технологик ҳамда физик-механик хоссалари аниқланди. Кўрсаткичлар сифатида фракцион таркиб, сочилма зичлик, сочилувчанлик, табиий оғиш бурчаги, парчаланиш, ишқаланишга бўлган

қаттиқлик ва қолдиқ намлик аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар меъёрий ҳужжатлар ва адабиётларда келтирилган усуллар ёрдамида аниқланди. Ҳар бир кўрсаткич бўйича 3 та натижа олинди ва уларнинг ўртачаси 5-жадвалда келтирилди.

5-жадвал

Тиканли қовул барги қуруқ экстракти гранулаларининг кўрсаткичларини аниқлаш натижалари

№	Таркиблар	Массаларнинг аниқланган кўрсаткичлари					
		сочилувчанлик, 10^{-3} кг/с	сочилма зичлик, кг/м ³	табiiй оғиш бурчаги, градус	парчала-ниши, дақ	ишқала-нишга бўлган қаттиқлик, %	қолдиқ намлик, %
1	тиканли қовул барги қур.экстр. лактоза 60% этил спирти	3,64	342	52	4,50	94,80	2,2
2	тиканли қовул барги қур.экстр. микрокристаллик целлюлоза 5% крахмал клейстери	6,42	706	37	7,20	99,12	2,4
3	тиканли қовул барги қур.экстр. кальция карбонат тозаланган сув	4,88	664	46	6,28	96,11	2,5
4	тиканли қовул барги қур.экстр. микрокристаллическая целлюлоза 40% этил спирти	5,34	651	42	7,45	98,93	2,4
5	тиканли қовул барги қур.экстр. сахароза 60% этил спирти	3,08	361	55	9,14	99,15	2,9
6	тиканли қовул барги қур.экстр. магний карбонат асосли 3% крахмал клейстери	4,73	492	35	6,05	97,42	2,5

5-жадвалда келтирилган натижаларга асосан гранулаларнинг парчаланиши меъёрий ҳужжатларда белгиланган 15 дақиқадан ошмади, яъни 4,50дан 9,14 гача бўлди. Бунда тўлдирувчи сифатида лактозадан ҳамда боғловчи модда сифатида 60% этил спиртидан фойдаланиб тайёрланган гранулалар энг кичик кўрсаткичга, энг катта кўрсаткичга эса сахароза ва 60% этил спирти ишлатилган таркиб эга бўлди.

Капсуланадиган массанинг асосий технологик кўрсаткичларидан бири – бу сочилувчанлик. Тайёрланган таркибларнинг сочилувчанлиги аниқланганда қуйидаги натижалар олинди: тўлдирувчи сифатида лактоза ва сахарозадан фойдаланилганда ушбу кўрсаткич энг паст кўрсаткич бўлди ва у $3,64 \cdot 10^{-3}$ кг/с ҳамда $3,08 \cdot 10^{-3}$ кг/с тенг бўлди. Таркибларда кальций ва магний карбонат қўлланилганда, массанинг сочилувчанлиги $4,88 \cdot 10^{-3}$ кг/с ва $4,73 \cdot 10^{-3}$ кг/с кўрсаткичларга эга бўлди. Ёрдамчи модда сифатида

микрoкpисталлик целлюлозадан фойдаланилганда энг юқори кўрсаткичларга эришилди ($6,42 \cdot 10^{-3}$ кг/с ва $5,34 \cdot 10^{-3}$ кг/с).

Сочилма зичлик каби кўрсаткич № 2,3 ва 4 сонли таркибларда юқори бўлди ҳамда 706 кг/м^3 , 664 кг/м^3 , 651 кг/м^3 тенг бўлди. № 1,5 ва 6 таркибларда эса анча паст кўрстакичларни намоён қилди.

Микрoкpисталлик целлюлоза, кальций ва магний карбонатдан фойдаланган таркибларда табиий оғиш бурчаги ижобий бўлди (№2,3,4 ва 6), лактоза ва сахароза қўлланилган таркибларда эса (№1 ва 5) - 50 градусдан юқори.

Ишқаланишга бўлган қаттиқлик каби кўрсаткич меъёрий ҳужжатларда келтирилган талабларга асосан 97% кам бўлмаслиги керак. Таҳлил қилинган таркиблардан №1 ва 3 таркиблар ушбу кўрсаткич бўйича талабларга жавоб бермади (94, 80% ва 96,11%). Қолган таркибларда 97% кам бўлмади.

Қолдиқ намлик кўрсаткичи барча таркибларда белгиланган 5% ошмади, яъни 2,2-2,9% оралиғида эканлиги аниқланди.


Олинган натижаларга асосан, 1- ва 3- таркиблар кейинги изланишлардан чиқариб ташланди. Қолган 4 та таркиб ичида энг юқори сочилувчанлик кўрсаткичга эга бўлгани, яъни тўлдирувчи сифатида микрoкpисталлик целлюлоза, боғловчи модда сифатида – 5% крахмал клейстери қўлланилган таркиб танлаб олинди.

Тиканли қовул барги куруқ экстракти асосида капсула шаклини яратиш технологияси қуйидагилардан иборат: олдиндан майдаланган ва тешиклар диаметри 150 мкм бўлган элакдан эланган куруқ экстракт ва микрoкpисталлик целлюлоза аралаштирилди ва 5% крахмал клейстери билан бир хил масса хосил бўлгунча намланди. Ҳосил бўлган аралашма $40-50^{\circ}\text{C}$ хароратда қуритилди ва донадорланди. Сўнг оптимал намлик қолгунча яна қуритилди. Ушбу масса 00 размерли капсулаларга жойлаштирилди. Технологик жараён чизмаси 5-расмда келтирилди.

Шундай қилиб капсуланадиган массанинг технологик ва физик-механик кўрсаткичларини аниқлаш йўли билан тиканли қовул барги куруқ экстрактининг биологик фаол қўшимчасини капсула шаклида ишлаб чиқиш учун таркиби ва технологияси яратилди.

Маълумки ишлаб чиқиладиган дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар сифат кўрсаткичлари бўйича меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак. Таҳлил қилинадиган капсулаларнинг сифат кўрсаткичлари ДФ XI да келтирилган “Капсулалар” умумий мақоласига асосан олиб борилди. Бунда қуйидаги сифат кўрсаткичлар аниқланди:

ташқи кўриниши, чинлиги, капсула ва капсула ичидаги массанинг ўртача оғирлиги, ҳамда ушбу кўрсаткичлардан четланиш, парчаланиши, микробиологик тозаллиги, биологик фаол моддалар миқдори. Ушбу капсулаларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш натижалари б-жадвалда келтирилган.



5-расм. Тиканли қовул барги қуруқ экстрактдан капсула ишлаб чиқиш технологияси

Текширилаётган капсулалардаги биологик фаол моддалар сифатида қуруқ экстракт каби полифенол бирикмалари ва аскорбин кислота миқдори аниқланди. Олинган натижалар ва уларнинг метрологик тавсифи 7-жадвалда келтирилган. Бунда келтирилган натижаларга асосан, полифенол бирикмалар ўртача 98,36% ни, аскорбин кислота эса – 99,02 % ни ташкил қилди.

Олиб борилган изланишларга асосан тиканли қовул баргидан олинган қуруқ экстрактни сақлаган капсулалар сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича ДФ XI ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келади.

Тиканли қовул қурук экстрактини сақлаган капсулаларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш натижалари

Аниқланган кўрсаткич	МХ бўйича талаблар	Таҳлил натижалари
Ташқи кўриниши	Оқ рангли 00 размерли капсулалар, капсулаланган масса қўнғир-яшил рангда	мос
Чинлиги	1. 0,5 г капсулаланган масса 25 мл ли ўлчов колбага солинади. 10 мл тозаланган сув кўшилади, аралаштирилади. Ва тозаланган сув билан белгисигача етказилиб, филтр қоғоз орқали филтрланади (ГОСТ (120226-76). 2 мл филтратга 5% темир (III) хлориднинг спиртли эритмасидан 5-6 томчи кўшилади; эритма яшил ранга бўялиши керак.	мос
	2. 0.5 г капсулаланган масса тортиб олинди ва 25 мл ли ўлчов колбасига солинди, устига 10 мл 40% спирт кўшилди, аралаштирилди ва белгисигача ўтказилди. Ушбу эритманинг 5 мл га 0,015% натрий 2,6-дихлорфенолиндофенолят кўшилганда унинг ранги йўқолиши керак	мос
Капсуланинг ўртача оғирлиги ва ундан четланиш, г± %	0,495-0,605 ±10,0%	0,531 г ±0,76%
Капсулаланган массанинг ўртача оғирлиги ва ундан четланиш, г± %	0,396-0,484 (±10,0%)	0,406 г ±0,38%
Парчаланиши	Капсулалар 20 дақиқа ичида парчаланиб кетиши керак	14 дақ 20 сония
Микробиологик тозаллиги	1 г препаратда аэроб бактерияларнинг умумий сони 10^4 дан, замбуруғлар 200дан, энтеробактериялар ва бошқа грамманфий бактериялар 100 дан ошмаслиги керак, <i>Escherichia coli</i> , <i>Ps.aeruginosa</i> , <i>Staph. Aureus</i> бўлмаслиги керак. 10 г препаратда <i>Salmonella</i> бўлмаслиги керак.	мос

Тиканли қовул экстрактини сақлаган капсулалар таркибидаги полифенол бирикмалар ва аскорбин кислотасини аниқлаш натижалари

Биологик фаол модданинг аниқланган миқдори, 1 гр да		Метрологик тавсифи
мг	%	
Полифенол бирикмалар		
162,2	98,8	$X_{cp}=98,36$ $f=4$ $T(95\%,4)=2,78$ $S^2=3,88$ $S=1,97$ $S_x=0,88$ $e_{cp}=2,49\%$
158,7	96,7	
165,3	100,7	
157,6	96,0	
163,6	99,6	
Аскорбин кислотаси		
3,88	97,5	$X_{cp}=99,02$ $f=4$ $T(95\%,4)=2,78$ $S^2=4,46$ $S=2,11$ $S_x=0,94$ $e_{cp}=2,65\%$
4,02	101,0	
3,91	98,3	
3,85	96,8	
4,04	101,5	

Диссертациянинг “Тиканли қовул ўсимлигидан олинган қуруқ экстракт ва унинг асосидаги капсулаларнинг яроқлилик муддатини ўрганиш” деб номланган V бобида танлаб олинган ўсимликдан олинган қуруқ экстрактнинг ва унинг асосидаги капсула шаклида биологик фаол қўшимчанинг яроқлилик муддатини аниқлаш натижалари келтирилган.

Қуруқ экстрактнинг сақланиш муддати табиий усулда икки хил идишларда аниқланди. Бунда қуйидаги кўрсаткичлар текширилди: ташқи кўриниши, чинлиги, намлик миқдори, микробиологик тозаллиги, оғир металллар, полифенол бирикмалар ва аскорбин кислотаси миқдори. Олинган натижаларга асосан қуруқ экстрактнинг яроқлилик муддати 2,5 йил деб белгиланди.

Қуруқ экстракт асосида олинган капсула шаклидаги биологик фаол қўшимчани сақланиш муддати уч хил қадоқлов идишларда табиий усулда ўрганилди. Сифат ва миқдор кўрсаткичларидан ташқи кўриниши, чинлиги, капсуланинг ўртача оғирлиги ва ундан четланиш, капсуланадиган массанинг ўртача оғирлиги ва ундан четланиш, парчаланиши, микробиологик тозаллиги, полифенол бирикмалар ва аскорбин кислота миқдори текширилди. Олинган натижаларга асосан капсулаларининг яроқлилик муддати 2,5 йил деб белгиланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор тиканли қовул (*Capparis spinosa* L.) ўсимлигининг баргидан экстракция жараёнига таъсир қилувчи омилларни (экстрагент тури ва концентрацияси, хомашёни майдалик даражаси, экстракция қилиш усули,

- хомашё ва экстрагент нисбати) ўрганган ҳолда қуруқ экстракт олиш технологияси таклиф қилинди.
2. Тиканли қовул ўсимлигидан олинган қуруқ экстрактнинг сифат кўрсаткичлари ва таркибидаги таъсир этувчи моддалар (полифеноллар йиғиндиси, аскорбин кислота) миқдори бўйича сифат меъёрлари белгиланди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича қуруқ экстракт меъёрий ҳужжатлар талабларига мослиги белгиланди.
 3. Олинган тиканли қовул қуруқ экстрактдан турли ёрдамчи моддалардан фойдаланган ҳолда капсула шаклидаги биологик фаол қўшимча таркиби ва технологияси тавсия этилди. Меъёрий ҳужжатлар талабларига биноан стандартлаш ишлари амалга оширилди ва ушбу кўрсаткичлар бўйича таклиф этилаётган капсулалар талабга жавоб бериши белгиланди.
 4. Гепатопротекторлик хусусиятга эга капсула шаклидаги БФҚ технологияси “MARJON GLOBAL” МЧЖда саноат шароитида синовдан ўтказилиб, олинган натижалар асосида тажриба-саноат технологик регламенти тасдиқланди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди.
 5. Ушбу экстрактга Техник шартлар (Ts 25404342-008:2019) «Узстандарт» агентлиги томонидан ва Технологик йўриқнома (ТИ 25404342-008:2019) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МАМАТКУЛОВ ЗУХРИДИН УРМОНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНОЙ
ДОБАВКИ НА ОСНОВЕ КАПЕРСОВ КОЛЮЧИХ (CAPPARIS
SPINOSA L.)**

15.00.01 – технология лекарств

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/Far28

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научные руководители: **Искандарова Шохиста Фехрузовна**
доктор фармацевтических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Тухтаев Хаким Рахманович**
доктор фармацевтических наук, профессор

Каримова Севара Аббасовна
кандидат фармацевтических наук

Ведущая организация: **Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: pharmi@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер ____). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(Реестр протокола рассылки № ____ от «__» _____ 2019 г.).

И.И.Алимджанов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.м.н.,
профессор

Ё.С.Кариева
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.н.,
профессор

Ф.Ф.Урманова
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно данным Всемирной организации здравоохранения, за последние двадцать лет число подверженных различным печеночным патологиям, особенно хроническим заболеваниям, составило более 2 миллиардов человек. Заболевания печени могут быть вызваны различными факторами: вирусными, токсическими, лекарственными, дисметаболическими и др. Профилактика и лечение этих заболеваний, обеспечение населения высокоэффективными, безопасными лекарственными средствами и биологически активными добавками на основе отечественного лекарственного растительного сырья имеет важное значение.

Во всем мире проводятся научные исследования по изучению влияния различных факторов на технологию получения экстрактов из лекарственных растений, разработке биологически активных добавок на их основе и норм качества. В связи с этим необходимо разработать технологию получения экстрактов в различных агрегатных состояниях из отечественных лекарственных растений, провести поиск путей полного извлечения биологически активных веществ, создать биологически активные добавки и лекарственные средства на основе этих экстрактов, определить их стабильность.

В республике достигнуты определенные научные результаты по расширению ассортимента высокоэффективных и выгодных в экономическом аспекте БАД путём налаживания получения сухих экстрактов из отечественных лекарственных растений и разработки на их основе биологически активных добавок. В четвертом направлении Стратегии действий на 2017-2021 года были определены такие важные задачи, как «дальнейшее развитие фармацевтической промышленности, совершенствование обеспечения населения и лечебно-профилактических учреждений дешевыми и эффективными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения»¹. В связи с этим важное значение приобретает дальнейшее развитие деятельности отечественных фармацевтических предприятий, подбор состава и разработка технологии безопасных и импортозамещающих биологически активных добавок.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-3489 от 23 января 2018 года «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения», ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // «Народное слово», 8 февраля 2017 года

отрасли», ПП-3968 от 12 октября 2018 года «О мерах по упорядочению сферы народной медицины», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

